

Кассация инстанцияси фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясига хизмат қилмоқда

Мамлакатимизда ҳуқуқий давлат барпо этишнинг таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизими тубдан ислоҳ қилингани, хусусан, суд ҳокимиятининг мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилган муҳим чора-тадбирлар туфайли инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш самарадорлиги ошди. Судларнинг жиноий, фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича ихтисослаштирилиши билан бир қаторда, суд ишларини апелляция ва кассация тарзида кўриб чиқиш институтлари жорий этилгани ҳам шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Маълумки, амалдаги "Судлар тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, қонуний кучга кирмаган суд қарорлари устидан келиб тушган шикоят, протестларни кўриб чиқувчи апелляция инстанцияси жорий этилди. Айти пайтда кассация тартибида иш юритиш, яъни қонуний кучга кирган суд қарорлари устидан келиб тушган шикоят ва протестлар асосида ишни юқори инстанцияда кўриш тартиби белгиланди.

Кассация инстанциясининг энг муҳим вазифаси — кўрилган ишлар бўйича биринчи босқич судлари томонидан йўл қўйилган моддий ёки процессуал қонун бузилиши ҳолатларини ўз вақтида тузатишдан иборатдир. Бунда иш қайтадан тўлиқича, мазмунан кўрилмасдан, фақат шикоят қилинган қисми бўйича моддий ва процессуал ҳуқуқий меъёрларнинг тўғри татбиқ этилгани текширилади.

Қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарорлари устидан суднинг ҳал қилув қарори чиққан кундан эътиборан бир йил ичида тарафлар ва ишда иштирок этишга жалб қилинган бошқа шахслар, шунингдек, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги масала суд томонидан ҳал этилган шахслар кассация тартибида шикоят бериши ва прокурор протест келтириши мумкин. Фуқаролик-процессуал кодексининг 348³-моддасида кассация шикояти бериш ва кассация протести келтириш тартиби белгилаб қўйилган.

Судья, зарур ҳолларда, кассация шикояти берган шахс ёки кассация протести келтирган прокурор зиммасига кассация шикояти ёки протестига илова қилинган ёзма материалларнинг нусхаларини ишда иштирок этувчи шахслар сонига мутаносиб миқдорда тақдим этиш мажбуриятини юклаши мумкин.

Фуқаролик-процессуал кодексининг 348¹⁷-моддасида биринчи инстанция судининг ажрими устидан шикоят берилганлиги ёки протест келтирилганлиги муносабати билан ишни кўрадиган кассация инстанцияси судининг ваколатлари кўрсатилган. Жумладан, кассация инстанцияси суди хусусий шикоят ёки хусусий протестни кўриб — ажримни ўзгаришсиз қолдиришга, шикоят ёки протестни эса, қаноатлантормасликка; ажримни бекор қилишга ва ишни моҳиятан кўриш учун биринчи инстанция судига юборишга; ажримни бутунлай ёки қисман ўзгартиришга ёхуд бекор қилишга ҳамда масалани моҳиятан ҳал қилишга ҳақли.

Шу ўринда айрим мисолларга тўхталамиз. Даъвогар Наима Шарипова (исм-шарифлар ўзгартирилган) жавобгарлар Дилшод Ибодов ва Санжар Ибодовга нисбатан уйга киритиш ҳақидаги даъво аризаси билан мурожаат қилган. Даъвогар даъво аризасида Либрай тумани, Чинобод қишлоқ фуқаролар йиқинидаги Яшнобод кўчаси, 37-уйда жойлашган умумий фойдаланиш майдони 840 кв.м. бўлган ер майдони ва бу ердаги иморатлар қайнотаси, яъни жавобгар Д. Ибодовга тегишли эканини баён қилган.

Шунингдек, Н.Шарипова жавобгар С.Ибодов билан 2007 йилда қонуний никоҳдан ўтганини ва мазкур уйга келин бўлиб тушганини, биргаликдаги турмушларидан икки нафар қизи борлигини, ўзаро келишмовчилик туфайли турмуш ўртоғи билан 2013 йил февраль ойидан буён бирга яшамаётганини, ҳозирда вояга етмаган фарзандлари билан ота-онасининг уйида яшаб турганини, бир неча марта низоли уйдан ўзи ва фарзандларига алоҳида хона ажратиб беришни сўраб, жавобгарларга мурожаат қилса-да, уни уйга киритмаётганликларини маълум қилиб, суддан мазкур уйдан алоҳида хона ажратиш ва уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини белгилаб беришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро судининг ҳал қилув қарорига кўра, даъвогарнинг даъво аризаси рад этилган.

Шундан сўнг Н.Шарипова кассация шикоятида суднинг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъво талабини қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқаришни сўраган. Чирчиқ шаҳар прокурори томонидан келтирилган кассация протестида ҳам суднинг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъво талабини қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқариш сўралган.

Судлов ҳайъати тарафларнинг тушунтиришларини, прокурорнинг кассация протестини қўллаб-қувватлаши ҳақидаги фикрини тинглаб, шикоят ва протестда келтирилган вазиятни иш

хужжатлари асосида ўрганиб, қуйидаги асосларга кўра, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъвони қаноатлантириш бўйича янги ҳал қилув қарори қабул қилишни лозим топди.

Яъни Фуқаролик-процессуал кодексининг 313-моддаси 1 ва 2-бандларига кўра, агар суд татбиқ қилиниши лозим бўлган қонунни қўлламаган бўлса ёки татбиқ қилинмаслиги лозим бўлган қонунни қўллаган бўлса, моддий ҳуқуқ нормалари бузилган ёки нотўғри қўлланган ҳисобланади.

Аниқланишича, даъвогар Н.Шарипова ҳақиқатан ҳам, жавобгар С.Ибодов билан 2007 йил 8 августда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қуришган ва биргаликдаги турмушидан 2008 йилда Робиябону ва 2010 йилда Маърифатбону исмли фарзандлари туғилган.

Улар оилавий келишмовчиликлар туфайли 2013 йилнинг февраль ойидан буён бирга яшашмаган.

Уй-жой кодексининг 32-моддаси 1-қисмига асосан, уй, квартира мулкдорининг оила аъзолари, шунингдек, у билан доимий яшаётган фуқаролар, агар уларни кўчириб келган пайтда ёзма равишда бошқача ҳолат қайд этилган бўлмаса, уйдаги, квартирадаги хоналардан мулкдор билан тенг равишда фойдаланишга ҳақлидир. Шунингдек, улар мулкдор берган турар-жойга ўзларининг вояга етмаган фарзандларини кўчириб киритиб қўйишга ҳақли ҳисобланади. Бу шахслар уй, квартиранинг мулкдори билан оилавий муносабатларини тугатган тақдирда ҳам, уларда турар-жойдан фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қолади.

Бундан ташқари Олий суд Пленумининг 2001 йил 14 сентябрдаги "Уй-жой низолари бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарори 5-бандига асосан, уйга яшаш учун киритиш ҳамда турар-жойдан фойдаланишга бўлган ҳуқуқини йўқотган деб топиш тўғрисидаги даъволарни ҳал этишда суд турар-жойга даъво қилувчи шахс Уй-жой кодексининг 32-моддаси 2 ва 3-қисмларида қайд этилган шахслар тоифасига киришини ҳамда бошқа асос бўйича уйда яшашга бўлган ҳуқуқларини, қандай сабабларга кўра, бу уйда яшамаётганлигини ва даъвони тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаши зарур.

Шунингдек, Олий суд Пленумининг 2001 йил 1 июнда қабул қилинган "Фуқаролик ишларини апелляция, кассация ва назорат тартибида кўриш амалиёти ҳақида"ги қарори 12-бандига кўра, кассация инстанцияси суди биринчи босқич судлари томонидан чиқарилган ҳал қилув қарорларини фақат процессуал ҳуқуқ

нормалари бузилгандагина бекор қилиб, янгидан кўриш учун юбориши мумкин. Мазкур қоидадан келиб чиққан ҳолда, кассация инстанцияси биринчи инстанция судлари текширмасдан қолдириб кетган, иш учун аҳамиятли далиллар, ҳужжатлар ва ҳолатларни аниқлаб текшириши ҳамда шулар асосида ҳал қилув қарорини тўлдириб, ўзгаришсиз қолдириши, ўзгартириши, қисман ёки бутунлай бекор қилиб, янгидан ҳал қилув қарори чиқариш билан қонуний тўхтамга келиши шарт.

Биринчи инстанция суди, ушбу ҳолатда даъвогарнинг низоли хонадонда 2013 йил февраль ойидан бошлаб яшамаётгани ва 2013 йилнинг 12 август куни судга даъво аризаси билан мурожаат қилгани иш ҳолатлари билан ўз тасдиғини топганлигига, низо судда кўрилаётган пайтда унинг мол-мулки низоли уйда сақланиб келинганлигига, маҳалла фуқаролар йиғини томонидан ўша йилнинг 30 июль куни тузилган далолатномада тарафларнинг оилавий низоли муҳокама қилинганлигига, мазкур вазиятда даъвогар турар-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолиш юзасидан қонунда белгиланган олти ойлик муддатни ўтказиб юбормаган деб ҳисобланишига, қолаверса, даъвогарнинг низоли уйда жавобгарлар билан 6 йил давомида умумий рўзғор юритиб яшаганлиги туфайли унинг фарзандлари билан мазкур турар-жойда яшаш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи шаклланганига эътибор қаратмасдан, даъвогарнинг уйга киритиш ҳақидаги даъво талабини рад қилиш хусусида нотўқри тўхтамга келган.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, судлов ҳайъати қайд қилинган ҳолатлар ва қонун талабларига мувофиқ, ушбу фуқаролик иши бўйича чиқарилган биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори қонуний ва асосли ҳисобланмагани боис, уни бекор қилишни ва даъвогарнинг даъво талабини қаноатлантириш, уни икки нафар вояга етмаган фарзанди билан бирга мазкур уй-жойга яшаш ва фойдаланиш ҳуқуқи билан киритиб қўйиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилди.

Хулоса қилиб айтганда, суд ҳокимиятининг мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилган аниқ, қонуний чора-тадбирлар, шу жумладан, кассация тартибида иш юритиш тартиби жорий этилгани фуқароларнинг қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, ижтимоий адолат ва қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Файзулла АБДУАЗИМОВ,

фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг раиси

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,

"Куч — адолатда" мухбири